

Qishloq hayoti

2015 йил

Кексаларни эъзозлаш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2015-ЙИЛ 21-АВГУСТ, ЖУМА, 101 (8494)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон аграр республикадан мамлакатимизнинг энг замонавий технологияларга эга бўлган, саноати ривожланган минтақасига айланяпти, десам, айти ҳақиқат бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодларини юзага чиқариш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Биргина санъат соҳасидаги эътиборни олайлик. Айти пайта юртимизнинг энг четка худудларида ҳам фаолият юритаётган бир-биридан кўрак мусиқа ва санъат мактаблари, уларнинг замонавий жиҳозлангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Энг муҳими, инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган санъатга ошфута ёшларнинг ижодий изланишларини ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТАЁТГАН “НИҲОЛ”

Эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилигидаги маҳорати билан кишилар юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти ана шундай эзгу ишлардан биридир.



Хакамлар ҳайъати томонидан танловнинг Республика Кенгашига совриндорликка тавсия этилди. Кунги кеча пойтахтимиздаги “Истиқлол” санъат саройида “Ниҳол” мукофоти танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда танловнинг эстрада санъати йўналиши бўйича Шаҳзодбек Собиржонов (Анджон вилояти), Шираз Турсинбоев (Қорақалпоғистон Республикаси), Бекзод Бахромоқов (Наманган вилояти), Фарангиз Шамсиева (Самарқанд вилояти), Дилмурод Султонов (Хоразм вилояти), мумтоз кўшиқ йўналиши бўйича Сайёд Жўраев (Бухоро вилояти), Баҳодир Сайидов (Навоий вилояти), Алишер Аҳмедов (Тошкент шаҳри), мусиқа ижрочилиги бўйича Шаҳзод Асатуллаев (Қашқадарё вилояти), Достонжон Мирзокаримов (Сирдарё вилояти), опера ижрочилиги бўйича Зарнигорхон Умарова, Дилдора Мирсоҳинова (Тошкент шаҳри), Иқболжон Раҳматов (Фарғона вилояти), Аминзода Жуманиев (Хоразм вилояти), рақс санъати йўналиши бўйича Сехриё Мирзаевалар (Тошкент шаҳри) мукофотга лойиқ топилгани эълон қилинди. Уларга диплом ва мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

ВАТАНГА МУҲАББАТ, САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК РАМЗИ



Мустақиллик шарофати — яшармоқда озод ўлкам, Улуғ келажак билан эл ободдир, юрт мукаррам. Она замин, тупроғиндан куч олади ҳар инсонинг, Бетакрорим, ягонамансан, Она юрт — Ўзбекистоним!

Бу дунёда ўз юртини, киндик қони томган ота маконини севмайди, Ватандан узоқларга кетганида уни интиқиб соғинмайдиган инсон бўлмаса керак. Инсон қалбидидаги садоқат, фидойилик

туйғулари ҳам ўз Ватанига бўлган муҳаббатдан бошланади. Дунёдаги энг гўзал бино ва иншоотлар ҳам ана шундай муҳаббат қудратидан пайдо бўлган ва улар Ватанга садоқат ва фидойилик

тимсоли сифатида мангу қад ростлаб тураверади. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш тўғрисида”ги Қароридан халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айти вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, кечим эдиғу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуғ, энг азиз айём

бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида қатор вазибалар белгилаб берилган. Айтиқса, қарорда юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга кўрақлашиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш борасида ҳам вазибалар кўйилган.

(Давоми 2-саҳифада)



Сурғарё Вилояти

Вилоят “Баркамол авлод” марказида вилоят ахборот ресурслари маркази ҳамда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетакроримсан, ягонамансан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

ИСТИҚЛОЛНИ ИЛҒЛАБ

Унда вилоят, шаҳар ва туман “Баркамол авлод” марказларида ижод қиладиган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорли ўқувчилар ўз ижод асарлари билан иштирок этидилар. Шу кунги Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб “Кексаларни эъзозланган юрт” деб номланган кўргазма ҳам ташкил этилди. Ушбу кўргазмада 40 нафарга яқин ўқувчи ижодий ишлари билан қатнашди. Ширинлик Одина Аликулова, ховослик Дилноза Рўзиева, янгиерлик Севара Асанова, боёвтулик Тохирбек Бойқўзиёв, сирдарёлик Зайнаб Аҳмедоваларнинг расмларидаги ранг-баранглик, жозибдорлик ҳакамлар ҳайъатининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Ғолибларга фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди. **Б.БЕКМУРОДОВ**

БАХТИЁР ҲАЁТ ИФОДАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган “Музаффар йиллар, нурафшон йўллар, қудратли қўллар кафтида юксалган кўприк” деб номланган кўргазмада таниқли фотомусаввир Абдуғани Жумаев ижодига мансуб суратлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилаёттир.



Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча худудлари каби азим пойтахтимиз қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзал ва мафтункор кўриниш касб этди. Халқимиз руҳияти, эзгу интилишларига ҳамоҳанг бўлган бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг кўлами фотомусаввирларга ҳам битмас-туганмас илҳом бағишламоқда. Бу жиҳатлар фотомусаввир А.Жумаев ижодига бағишланган кўргазмадаги асарларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Кўргазмада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сунгги йилларда Тошкент шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ижодкор асарларида ўзига хос тадрижий тарзда акс эттирилган. Жумладан, Нурафшон кўчаси ҳамда Хадра майдонидаги улкан қурилиш жараёнлари, ободлаштириш, бунёдкорлик ишлари, йўл ва кўприklar, мафтункор фавворалар, турфа гулу райхонларга бурканган чаманзорлар, ўзи туғилиб ўсган заминдан фахрланиш ва шукро-

налик туйғуси билан яшаётган юртдошларимизнинг қиёфаси акс эттирилган туркум суратлар томошабинга бир олам таассурот беради. Фотомусаввирнинг миллий анъана ва қадриятларимиз эъзоз ва эътибор топаётгани, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти, навқирон авлод қамолоти йўлидаги ғамхўрлик акс эттирилган кўлаб фоторепортажлари санъат иқтисодидан таниш. Унинг мазкур кўргазмага кўйилган суратлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Тинч-осойишта ҳаётимиз, мусоффо осмонимиз, кун сайин яшана, обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, меҳридарё халқимиз, табаррук ота-она онахонларимиз сиймоси акс эттирилган суратлардан иборат кўргазма жонажон Ўзбекистонимизни, истиқлол берган имкониятларни асраб-авайлаш, ҳар кимизни қадрлаш, бир-биримизни ардоқлашга ундаши билан аҳамиятлидир.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Утган давр мобайнида ушбу мукофотга сазовор бўлган ёшлар сони 152 нафарга етди. Бугунги кунда “Ниҳол” кашф этган ёшлар ўзбек мусиқа санъати ривожига ўз хиссаларини қўшиш билан бирга, жаҳон мусиқа саҳнида ҳам ўзларини кўрсатмоқда, шу аснода Ватанимиз шухратини тараннум этмоқда. Жорий йилнинг 8-11 июль кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида танловнинг республика саралаш босқичи юқори савияда ташкил этилди. Унда юртимиз ёш истеъдодларга нечоғли бой экани яна бир бора намоён бўлди. Унда иштирок этган 172 номзод мумтоз кўшиқ, мусиқа ижрочилиги, эстрада, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида ўз ижоди ва маҳоратини “Ниҳол” мукофоти Республика Кенгаши аъзолари, мутахассис ва экспертлардан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳамда кенг жамоатчиликка намойиш этидилар. Энг юқори натижаларни қайд этган иштирокчилар

Инобат МАТЌУБОВА, “Qishloq hayoti” муҳбири.

ВАТАНГА МУҲАББАТ, САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

(Боши 1-саҳифада)

Мустақиллик берган имкониятлар самараси – озод ва обод турмуш, аҳоли фаровонлиги, бунёдкорлик, шиддат билан рўй бераётган ўзгаришларни байрам олдидан сарҳисоб қилиш шарафли ишдир.

Бунинг мисолини Қорақалпоғистонда турли соҳаларда эришилаётган ютуқларда ҳам кўриш мумкин.

Бу ердаги ўзгаришлар ҳудуд аҳолиси ва шахримиз меҳмонларида ҳам катта таассурот уйғотмоқда. Нукус шахрининг янги, миллий архитектура асосидаги замонавий кўчфасани яратиш бора-сидаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Жумладан, Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги давлат санъат музейининг 2-босқич қурилиши, Нукус шаҳри Теле орай маҳалласида янги мактаб қурилиши, "Туркистон" кинотеатрини қўғирчоқ театрига айлантириш, Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси реконструкцияси, Улқашунослик музейи қурилиши ҳамда Давлат ёш томошабинлар театри реконструкциялаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Дўстлик каналининг Нукус шаҳридан кесиб ўтувчи 2,5 км. қисми атрофини ободонлаштирилиб, ижтимоий ва маданий соҳа объектларини ўз ичига олган замонавий оромгоҳ ҳудуди ташкил қилинмоқда.

Каналнинг икки ярим километрлик иккала қирғоғи бетон билан қопланиб, дам олиш боғи, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган кичик корхоналар, "Болалар дунёси" савдо маркази, болалар спорт иншоотлари, баскетбол, футбол, теннис майдончалари, тўрт жойда мусиқали, рангли фаввора, каналда сайр қилиш учун катерларга чиқариладиган бандаргоҳ сингари ўттиздан зиёд иншоотлар қурилиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Шунингдек, "Тошкент" ресторанини "Ешлар маркази"га мослаштириб реконструкция қилиш, канал атрофини ободонлаштириш ва сув пуркагичлар, электр лампалари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Каналнинг икки соҳилида янги лойиҳадаги намунавий уйлар қад ростламоқда.

Нукус шаҳрида мустақиллик йилларида қурилган, яшаш учун коммуникация нуқуллайликлари, муаммолар туғдириб келаётган 1000 га яқин турар-жойлар, 1200 дан ортиқ лойиҳасиз, мақсадсиз қурилган савдо, маъиший хизмат



Тўртқўл гузаридagi айланма йўлнинг 1980 йиллардаги ва бугунги кўриниши.



И.Савицкий номидаги давлат санъат музейининг олдинги ва бугунги кўриниши.

кўрсатиш шохобчалари бетартиб жойлашгани сабаб кўримсиз ҳолатда эди. Президентимиз диққат-эътибори ва ғамхўрликлари, республикамиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу турар-жойлар ўрнига янги, замонавий уйлар қуриш режалари тузилди.

Бугунги кунга келиб, бу ерда 50 дан ортиқ янги, миллий лойиҳадаги, замонавий талабларга тўғри келадиган турар-жойлар, уларнинг биринчи қаватида эса савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўз фаолиятини бошлади.

Яна далил ва рақамларга мурожаат қилайлик. Мустақилликдан олдин Нукус шаҳри марказидаги Қорақалпоғистон кўчасида 1 та кафе бўлган бўлса, ҳозирда кафе, ресторанилар сони 20 дан ошди.

Бугунги кунда сайёҳларга, кўшни вилоятлардан келаётган меҳмонларга беминнат хизмат қилаётган 10 дан ортиқ замонавий, кўркам, барча қулайликларга эга меҳмонхо-

налар ишлаб турибди.

Тўйхоналарни олайлик. Мустақилликдан олдин халқимиз бундай тўйхоналар бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Истиқлол берган имкониятлар боис халқимиз энг қувончли, мурод-мақсадларга тўла кўнларини дўсту ёрлари, қариндош-уруғлари, қўда-анда-лари билан бирга баҳам кўриб, тўй қилиб орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаряпти.

Нукусдаги спорт иншоотлари эса ҳар қандай таърифа лойиқ, 2003 йилдан буён спортнинг турли йўналишлари бўйича 20 та иншоот бунёд этилди.

Нукус шаҳри ҳақида сўз кетганда Савицкий музейи тўғрисида, албатта, айтиб ўтиш керак. Музейнинг умумий майдони 6,9 минг квадрат метр бўлиб, 2013 йилнинг бошидан музей биносини кенгайтириш мақсадида янги икки корпуснинг қурилиш ишлари бошланган эди. Шу кунларда бу қурилиш тугалланиш арафасида. Ҳозирги кунда ҳар

йили Нукус музейини 5000-6000 чет эллик ҳамда маҳаллий туристлар зиёрат қилмоқда.

Сирасини айтганда, Қорақалпоғистонда улкан бунёдкорлик тадбирлари, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи ичида ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида санъат, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 81,6 миллиард сўмлик 1232 та лойиҳа амалга оширилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Президентимизнинг махсус фармони асосида 2015-2019 йилларда 748,4 миллион АҚШ долларилик 8 та лойиҳани рўёбга чиқариш белгиланган. Бу "Тахитатош иссиқлик электр станцияси"да қуриладиган янги ускуналар, шунингдек, бир қатор эски пахта тозалаш заводлари негизда замонавий ен-

гил саноат корхоналарини ташкил этиш каби хайрли ишларда ақс этмоқда. Эътиборлиси, ушбу корхоналарни ишга тушириш орқали Қорақалпоғистонда пахта толасини қайта ишлаш қуввати камида 2 мартага ортиши ҳамда уларда беш мингга яқин иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Албатта, бу муваффақиятлар ҳақида гапирганда йирик ва истиқболли лойиҳа сифатида бир неча халқаро муқофотларга лойиқ топилган йилига 4,5 миллиард кубметр газни қайта ишлаш имконини берадиган Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳақида айтиб ўтмасдан бўлмайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси халқаро миқёсда юксак эътироф этилган ноёб инвестиция лойиҳаси ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу лойиҳа рўёби натижасида йилига 4,5 миллиард кубметр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард кубметр газ, 387 минг тонна полипропилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Устюрт газ-кимё мажмуаси давлатимиз қудратининг ёрқин ифодасидир. Зеро, дунёнинг баъзи жойларида нотинчлик ҳукм сураётган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда бунёдкорликлар амалга оширилаётганидан фахрланмаслик мумкинми?!

Шу кунларда Оролбўйи аҳолиси Мустақилликимизнинг 24 йиллик байрамини кўтаринки кайфият билан қутиб олмоқда. Негаки, Қорақалпоғистондаги ҳар бир янгиланиш, бунёдкорлик ишлари, барча соҳалардаги муваффақиятлар ҳар бир фуқаронини қувонтиради. Халқимизнинг бу қувончи Энг улуг, энг азиз байрам – Мустақилликнинг 24 йиллик айёмига қўшилиб кетиши, шубҳасиздир. Президентимизнинг "Бугун мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Шунинг билан бир рақибимиз" деган сўзлари бугун ҳар бир қорақалпоғистонликни янада шижоат билан меҳнат қилишга, юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшишга, Ватан тараққийидадан ифтиخور билан яшашга ундамоқда.

Гуллистон АННАКИЛИЧЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан мустақиллик йилларида энгил саноат тизимида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЕНГИЛ САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда таъкидланганидек, Истиқлол йилларида тизимда саноат корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш ва тармоқ экспорти салоҳиятини ошириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Натижада юртимиз иқтисодиётида энгил саноатнинг салмоғи янада ошди, яъни унинг ички ялли маҳсулотдаги улуши 3,8 фоизни, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 фоизни, но-озик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 44 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу борада инвестициялар жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этди.

лига 29 минг тонна ип ишлаб чиқариш қувватига эга "Индорама Кўкон текстиль" қўшма корхонаси ташкил этилгани, Хоразм вилоятида "Ўзтекс Групп" томонидан "Свис Капитал" (Швейцария) компанияси билан ҳамкорликда йилга 12 минг тонна ип-калава тайёрлаш йўлга қўйилгани, собиқ "Ўзбектекстильмаш" ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда "Ритер-Ўзбекистон" хорижий корхонасининг ишга туширилиши фикримиз исботидир. Бугунги кунда тизимда қарийб 290 та корхона фаолият юритаётди. Шундан 156 та корхона Жанубий Корея, Хиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлар инвесторлари иштирокида ташкил этилган.



МАЪЛУМОТ

Бунинг самарасида тармоққа 2,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ сармоя жалб этилди ва 180 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Бугунги кунда тармоқ корхоналарида 70 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил саноат маҳсулотлари энгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 50 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори тўқимачилик саноати тараққийида янги саҳифа очди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, сўнгги уч йилда умумий қиймати 575,3 миллион АҚШ долларилек, 215,8 миллион АҚШ долларилик экспорт салоҳиятига эга 92 саноат корхонаси ишга туширилди. Бунинг натижасида 11,6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда компания томонидан муҳим истиқболли лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилаётди. Жумладан, Кўкон тўқимачилик комбинати негизда йи-

"Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, юртимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан 18 та янги корхона ишга туширилади. Бунинг самарасида мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жорий йил якуни бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 2014 йилга нисбатан 20 фоиз, халқ истеъмолчи товарлари эса 25 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, компания янги ўқув йили арафасида мамлакатимиз бўйлаб мактаб ярмаркаларини ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ярмаркаларда юртимизда ишлаб чиқарилган мактаб ва спорт кийимларини харид қилиш мумкин. Компания маълумотларига кўра, мазкур ярмаркаларда 2012 йил якунлари бўйича 770 минг донга кийим сотилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 835 минг, 2014 йилда 935,4 мингга ташкил этди. Жорий йилда 985 мингга мактаб ва спорт кийимини сотиш кўзда тутилган.

Озод ОЧИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

Мингбулоқ туманида пахта йигим-терими мавсумига тайёргарлик қилиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича долзарб масалаларга бағишланган вилоят кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар ва туман давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқармалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фермерлар иштирок этди.

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Иштирокчилар тумандаги "Сайдали хожи" фермер хўжалигида бўлиб, бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Фермер хўжалигининг шинам ва замонавий дала шийпони тadbир қатнашчиларининг диққат-эътиборига сазовор бўлди. Айниқса, теримчилар учун тахт қилиб қўйилган ётоқхона санитария-гигиена талаблари даражасида бўлиб, у ердаги шароит қўнчилиққа маъқул келди. Дала шийпонидида овқатланишга мўлжалланган ўриндиқлар, кўча ошхона анжомлари, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган маънавият ошоналари пахтакорлар меҳнат унвдорлигини оширишга хизмат қилади, албатта. Шунингдек, терилган пахта хомашёсини тортиш, қуриштиш ва ташини учун мавжуд техника воситаларининг созлиги ҳам кўргазмали семинар қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

Дарвоқе, Мингбулоқ туманида жорий йилда 16 минг гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришланмоқда. Бу йўналишда фаолият кўрсатаётган 400 дан зиёд фермер хўжаликлари далаларида пишиб етилган ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш учун 340 та терим отряди тузилди. Уларнинг тизимли равишда ишлашнинг таъминлаш мақсадида бир қатор илмий асосланган чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, пахта йигим-терими мавсумида теримчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга доир асосий тавсиялар ишлаб чиқилиб, барча фермер хўжаликлари ва масалага дахлдор ташкилотларга тарқатилди.

Кўргазмали семинарда вилоят ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

Анжун Вилояти

Балиқчи туманидаги Ваҳромжон Қосимов раҳбарлик қилаётган "Обиджон ота" кўп тармоқли фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 95 гектар майдонда "Бухоро-102" навли ғўза парвариш қилишмоқда. Ушбу навнинг табиати шундай: иссиқсевар. Хўжалик аъзолари кўп йиллардан буён "Андижон-35" навли ғўза парваришлар эди. Шу боис, фермер мазкур нав билан таниш бўлган Олтинқўл туманидаги "Ҳосил меҳнат кўрки" фермер хўжалиги раҳбари Қажрамон Сатторовдан кўп маслаҳат олди. Бажарилаётган агротехник тadbирлар қай даражада тўғри эканлигини қийёслаб бормоқда.

«ОБИДЖОН ОТА»НИНГ ДАЛАСИ ОБОД

Кеча "Обиджон ота" фермер хўжалиги далаларида бўлди. Тажрибали механизатор Зайнобиддин Муродов хўшёрлик билан ғўза қатор ораларига ишлов бераётганда. Ишлов ўтказилаётган эгاتлардаги ғўза кўзни қувонтиради. Культиватор нафақат тупроқни бўшатыпти, балки ғўза қатор ораларида ҳаво алмашинувни ҳам таъминляпти.

Ғўза тўқ, илдици чуқур кетганлигини шоҳларнинг кўплиги ҳамда кўсақларнинг йириклиги намоён этади. Баъзи ғўзаларда чаноқлар оппоқ пахта тасини кўз-кўз қилиб турибди.

Хўжаликнинг илгор ишчиси Абдувоҳид Бозоров ҳамроҳлигида август ойида амалга оширилаётган агротехник тadbирлар билан танишди. Бу йигит "Обиджон ота"да биринчи йил ишлаяпти. У ҳар бир эгати қандамба-қандам оралаб, ғўза ҳолидан хабар олади. Далалар тоза, обод, ғўза баравар ривожланыпти. Бу йил Абдувоҳиднинг ташаббуси билан йигим-терим



жараёнига янгилик киритилмоқда. Яъни ҳар бир хўжалик аъзоси ўзи қараётган дала ҳосилини ўзи йиғиштириб олади.

Қажрамон Ортиқов, Қозимжон Ёқубов, Машрабжон Шерляпти. Бу йил Абдувоҳиднинг ташаббуси билан йигим-терим

бирлари пешма-пеш олиб боришмоқда. Сувчилар қайси далага кўча, ўша ерга сўрилар ҳам жилади. Хўжалик ошпази Анваржон Содиков ҳам қозон-товоғини ўша далага ўрнатади.

– Ғўзамизнинг "ишлаётганлигини" кўриб турибсизлар, – дейди Ваҳромжон Қосимов. –

Йирик кўсақлар оппоқ пахтага айланяпти. Майда кўсақлар эса йириклашяпти. Сувчилар сўнг ерилиши билан эса культиватор далага қиряпти. Эрта тонгда сувчилар ва механизаторлар билан сўнгги ишлов ҳақида бир фикрга келди. Яна бир марта барча майдонлар тўла культивациядан чиқарилади. Ғўзанинг талабига қараб сугориш давом этаверади. Ҳосилдорлик бора-сида яхши ниятни кўзлаб турибмиз. Албатта, бунда бугунги меҳнатнинг аҳамияти катта. Бунинг хўжалигимизнинг барча аъзолари яхши билишяпти ва шунга яраша меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда фермер хўжалигида ғўза парваришининг сўнгги тadbирлари ўтказилмоқда. Шунинг баробарида, пахта йигим-терим мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик қилинапти. Жумладан, мавсумнинг сўз ўтишини таъминлайдиган ғўза дефолиациясини ўтказишга дала тайёр бўлди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ

Бугун дунёда нефть ва газ захираси тобора камайиб бораётган шароитда муқобил энергия янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёқилғи энергетика комплексига ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Маҳаллий кўмирдан сувли кўмир ёқилғи суспензияси шаклида фойдаланиш бу борадаги масаланинг энг истиқболли ечимларидан биридир.

Мазут ва табиий газ ўрнида ёқилғининг ушбу туридан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз энергетика ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидандир. Мазкур усул аънанавий усул билан таққосланганда кўплаб иқтисодий, экологик ва бошқа афзалликларга эга. Яъни кўмир ёқилғи самарадорлигини ошириш, кўмир кўкунидан фойдаланиш, кўмир кулининг портлаш хавфини камайтириш, шунингдек, атмосферага азот ва олтингургут оксидларнинг тарқалиш даражасини қисқартириш имконини беради. Ушбу жиҳатлар ва маҳаллий кўмир хомашёсидан фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, Ангрен кўнғир ва Шарғун тошкўмирлари асосида янги барқарор ёқилғи суспензияларини олиш усулини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 июндаги "2013-2018 йиллар даврида кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва 2013 йил 30 октябрдаги Лойиха-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириш ва кўмир саноати ишлаб чиқаришнинг бошқариш, ишлаб чиқариладиган янги маҳсулотлар сифати даражасини ошириш тўғрисидаги қарорлари ижроси доирасида сувли кўмир ёқилғи суспензияси олиш ва амалда қўллаш ишлари олиб борилаётган. Мазкур ҳужжатларда саноат тармоқлари ва замонавий илм-фан ютуқлари ва илгор инновацион технологияларни жорий этиш, жумладан, ма-

халлий кўмир асосида сувли кўмир ёқилғи суспензияси ишлаб чиқаришнинг жадаллаштириш назарда тутилган.

Ўзбекистон йилрик кўмир захирасига эга. Олимларимиз томонидан Ангрен кўнғир ва Шарғун тошкўмирлари намуналари бу борада қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қўлай хомашё сифатида ўрганиб чиқилган.

Сувли кўмир ёқилғи суспензиясининг мазут, табиий газ каби бошқа ёқилғи турларига нисбатан афзалликлари, шунингдек, арзон хомашёдан фойдаланиш имконияти инobatта олинган ҳолда, янги турдаги ёқилғи суспензиялари олиш усулларини ишлаб чиқиш мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларидан биридир. Хитой, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Канада, Германия, Италия, Россия ва бошқа мамлакатлар мутахассисларининг тадқиқотлари кўмирли ёқилғи суспензиялари олиш технологиясини яратиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш, саноатда қўллаш масалаларига бағишланган. Ушбу тадқиқот ишларида нафақат иқтисодий фойда келтирадиган, балки атроф-муҳит экологийсини яхшилаш имконини берадиган тошкўмирдан фойдаланилган.

Институтимиз ходимларининг ёш олимлар иштирокида олиб борган самарали илмий изланишлари натижасида биринчи марта янги турдаги муқобил суёқ ёқилғи – Ангрен ва Шарғун кони кўмири асосида энергия самарадорлиги юқори ва экологик хавфсиз сувли кўмир ёқилғи суспензиясини олиш, ўрганиш ва қўллаш бўйича муҳим масала ҳал этилди. Янги технология "Atex Techno Group" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган машъала горелкисидан фойдаланиш орқали саноат шароитида синовдан ўтказилди ва ўзининг самарадорлигини исботлади. Ушбу технология мамлакатимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва коммунал объектларининг кўплаб иссиқлик ва энергоагрегатларида кенг фойдаланиш учун тавсия этилди.

Мазкур технология яқинда ўтказилган Инновацион гойлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этилди ва ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, муқобил энергетика янада ривожлантириш мақсадида Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан мамлакатимиздаги қатор нефтни қайта ишлаш заводларида нефть кукуни

чиқиндисига ва ёнғичи сланец асосида ёқилғи олишга доир долзарб муаммолар ечимини топиш ишлари олиб боришмоқда.

Институтимизда ноанъанавий суёқ ёқилғилар – сувли нефть кукуни ва сувли ёнғичи сланецли ёқилғи суспензияларининг дастлабки тадқиқоти ўтказилди. Таъкидлаш керакки, ушбу суспензиялар янги турдаги муқобил ёқилғи бўлиб, хозирча мамлакатимизда қўлланилгани йўқ. Сўнги йилларда институтимиз олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар самарасида сувли ёнғичи сланецли ёқилғи суспензияси чиқиндисидан қимматбаҳо рангли ва асл металларни ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

Муҳтасар айтганда, муқобил энергия манбаларининг ушбу янги турларидан амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўиш имконини беради ва хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

А.АЪЗАМХУҲАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор. (ЎЗА)

ПАРРАНДАЧИЛИК

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида республикамизда паррандачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқ корхоналари иштирокида соҳанинг бугунги ривожланиш ҳолати, ундаги мавжуд муаммолар ҳамда келгусида барқарор ривожланиш истиқболлари бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ТАРМОҚ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Унда таъкидланганидек, Истиқбол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Хусусан, аҳолини сифатли ва арзон гўшт ҳамда тухум маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи паррандачилик саноатини ривожлантириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2014 йил декабрь ойи ҳолати бўйича мамлакатимизда 3238 та паррандачилик корхонаси фаолият юритиб, шундан 1228 таси тухум ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, 441 таси гўшт ишлаб чиқарувчи, яна 1535 таси паррандачилик бирлашмалари, яъни гўшт ва тухум ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Қолган 38 таси эса парранда етиштирувчи инкубатор марказлари сифатида фаолият юритмоқда. Айтиш жоизки, айна пайтда соҳани янада ривожлантириш мақсадида тармоқларга зарур мутахассислар етказиб бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда республикамизнинг турли ҳудудларидаги 220 дан ортиқ касб-ҳунар коллежларида ҳар йили 8 минг нафардан зиёд ўқувчи паррандачилик йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, ўтган йил мобайнида соҳа тараққиётига хизмат қилувчи турли истиқболли лойиҳалар ҳам амалга оширилди.

Тадбирда, шунингдек, тармоқдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жумладан, парранда гўштини етиштириш салмоғини янада ошириш, бунинг учун насли жўжалар сонини кўпайтириш, тармоқ корхоналаридаги технологик асбоб-ускуна ва моддий жиҳозларни модернизация қилиш, парранда етиштириш учун зарур бўлган ёрдамчи қурилмалар, вакцина ва дори воситалари ҳамда озуқа билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш борасида сўз юритилиб, мутахассисларнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ

Жиззах Вилояти

«GOLDEN PLAIN» ҚУЛОЧИНИ ЁЗМОҚДА

"Golden plain" хусусий корхонаси Мирзачўл туманидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ўзининг муносиб ўрнини топа олди. Бу ерда 3 хил рангда тунуқадан том ёпиш маҳсулотлари, 7 турда металл қувурлар ҳамда темир ва ёғочдан ишланган ҳар хил ҳажмдаги дарвоза, сўри, арава, беланча каби ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ойига 36 минг дона блок-ғишлар тайёрланмоқда.

Аҳолига ёғоч тилиш хизмати кўрсатилади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор ўткир Уроқов ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан 400 миллион сўм сарфлади. У корхона ҳудудида цемент, шифер, ёғоч, мих каби қурилиш маҳсулотлари сотувини йўлга қўйган.

– Ишимиз шу тарзда самарали давом этса, Хитойдан том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш тизимини олиб келиш учун банкдан олган 150 миллион сўм кредитимизни икки йилда тўла қўлаймиз, – дейди ўткир Уроқов. – Шу йил кўзда

омихта ем тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона фаолиятини йўлга қўймоқчимиз. Хитойдан олиб келишни мўлжаллаётган мазкур технологиямиз донни майдалашдан тортиб, қадоқлашгача бўлган жараёни мукамал амалга ошириши билан аҳамиятли. Шу мақсадда банкдан 300 миллион сўм кредит олишни кўзлаётимиз. Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсати биз каби ишбилармонларнинг соҳада муқаррар ютуққа эришиши учун омил бўлаётди.

Тадбиркорнинг бу йилги иш ре-



жасидан қадоқланган сувоқ маҳсулотлари ҳамда турли узунликдаги михлар ишлаб чиқариш ўрин олган. Агарда бу лойиҳалар амалга ошадиган бўлса, 12 киши фаолият кўрсатаётган корхонада иш ўрни сони 30 тага етади. Айтганча, тад-

ТАДБИРКОРЛИК

«GOLDEN PLAIN» ҚУЛОЧИНИ ЁЗМОҚДА

биркор қарийб икки гектар майдонга эга корхонаси ҳудудида мева ва манзарали дарахт қўчатлари экиб, бог яратишни дилига туккан.

Алижон АБДУСАТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

О Эълонлар

Ташкилотлар Ва корхоналар гуққамизга! Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси қуйидаги объектни мукамал таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдолари ўтказилишини Эълон қилади. Сурхондарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг икки қаватли маъмурий биносини мукамал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 807,346 млн. сўм, ҚҚСсиз 672,788 млн. сўм. Қурилиш муддати – 180 кун. Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси. Манзили: Термиз шаҳри А.Темур кўчаси 29-й. Тел.: 223-36-74, 223-01-01. Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Давлат бюджетни маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. 2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдолари фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига ружаст этилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН КАТЫИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона Буюртмачи Хизмати» Инжиниринг компанияси қайта танлов савдолари Эълон қилади. Булоқбоши туманидаги Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси маъмурий биноси қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 1.136.269.896 сўм, ҚҚСсиз 946.891.580 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой. Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Андижон шаҳри Навоий кўчаси 45-й. Тел: (998 74) 223-61-08, 223-08-28. Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади. 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдолари фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади. Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилган объектларнинг танлов (тендер) савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг иштироки тавсия ҳусусиятига эга ҳисобланади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт. Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов талабгорлари баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри А.Навоий шох кўчаси 30-й. Тел/факс: 223-57-05. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм. Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан қўқоридида манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати. Танлов савдолари Эълон матбуотда чоп этилган санадан 15 кун ўтганидан сўнг қўқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Сотиб олинг ва Эгаллик қилинг! «EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭТОРЛИК АГЕНТЛИГИ сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларга тақлиф этади! Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 18 августдаги 435/ас-ер сонли буюртмачи асосан 2015 йил 23 сентябрь куни соат 10:00 да Наманган шаҳри Навоий кўчаси 10-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади. Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда: Янгиқўрғон тумани "Навкент" ҚФЙ "Саид барака Доли Саттаров" агрофирмаси ҳудудини 1 дан 4 гача, жами 4 донга, ҳар бирининг ер майдони 0,04 гадан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 189 000 (бир юз саксон тўққиз минг) сўм, закалат пули 100 000 (юз минг) сўмдан. Ер майдонлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария – экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзига хос шартларни каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳри Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: Узаргосурга Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишнинг мумкин. Телефон: (0-369) 227-20-23. 2015 йил 23 сентябрь кунги очиқ аукцион савдоларида сотилимган ер майдонларининг тақрорий савдоси 30 сентябрь, 7 ва 14 октябрь кунлари соат 10:00 да қўқоридида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўқтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини "EIS" МЧЖнинг "Ўзсаноатқурилишбанк" Наманган филиалида (МФО 00224, СТИР 302118546, х/р 2020800020490071001) ҳисобрақамга тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт ва СТИР (ИИН) нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади. Телефон: (0-369) 227-20-23, факс: 227-14-62. Лицензия RR-0086

Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан мустақиллик йилларида энергетика тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ САЛОҲИЯТИ

истиқболли лойиҳалар ва уларнинг самараси билан юксалмоқда

Таъкидланганидек, мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз энергетика тармоғи жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистон энергия манбалари бўйича ўзини ўзи таъминлайдиган ва экспорт қиладиган давлатга айланди. Сўзга чиққанлар республикамиз аҳолиси ва саноатининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи йил сайин ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан янги энергетика объектларини қуриш, ишлаб турганларини эса реконструкция ва модернизация қилинишга доир бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани ҳақида атрофлича тўхталилар. Масалан, Янги-Ангрен ИЭСда 300 МВт ва Толлимаржон ИЭСда 800 МВт қувватига эга бўлган энергоблоқлар, Навоий ИЭСда қуввати 478 МВтли замонавий буғ-газ қурилмаси, Тошкент ИЭМда қуввати 27 МВтга эга когенерацион газ-трубина қурилмаси ишга туширилгани айтиб ўтилди. Ҳозирга қадар электр станцияларининг қуввати 1,5 млн. кВтга ва электр энергияси ишлаб чиқариш эса 1,5 млрд. кВт соатга, электр тармоқларининг узунлиги 38,2 минг км.га, республикамиздаги электр энергияси истеъмолчиларининг сони 2,5 млн.га, иқтисодиёт тармоқларининг электр энергияси истеъмоли 445,6 млн. кВт соатга ошган.

Бугунги кунда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида умумий қуввати 900 МВТни ташкил этган иккита буғ-газ қурилмаси иссиқлик электр станциясининг қурилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. "Тошкент ИЭСда қуввати 370 МВТга эга бўлган буғ-газ қурилмасини қуриш" лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ҳамда газ трубинасини йиғиш ишлари олиб боришмоқда. Мамлакатимизнинг табиий ресурсларини тежаш ва рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида "Жиззах" махсус индустриал зонасида куёш энергияси орқали сув иситиш қурилмаларини ишлаб чиқарувчи "Куёш иссиқлик энергияси" ва энергия тежовчи светодиодиодли ёритиш қурилмаларини ишлаб чиқарувчи "Ёрқин чироқлар" қўшма корхоналари ташкил этилган ишторикчиларнинг диққат марказида бўлди. Яқин истиқболда Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳар бири 100 МВт қувватига эга бўлган куёш фотоелектр станцияларининг қурилиш республикамизда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, 2020 йилга қадар 19 та ишлаб турган ГЭСларни модернизациялаш ва тақомиллаштириш ишлари кўзда тутилган. Ушбу ишларни амалга ошириш натижада 100 МВТга яқин қувват барпо этилиб, 450 млн. кВт соат электр энергиясининг қўшимча ишлаб чиқарилиши ҳисобига 200 млн. метрқуб табиий газ тежалди. Бу борада "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга, соҳада экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратади.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

САМАРҚАНДЛИК ЁШЛАРНИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида самарқандлик ўқувчи-ёшлар
Энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб совға ҳозирладилар.

Жорий йилнинг 27-31 июль кунлари Хитой Халқ Республикасининг Чанчунь шаҳрида ташкил этилган математика бўйича халқаро олимпиадада Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тўраев кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, 6 август куни Босния ва Герцеговина пойтахти Сараевода ўтказилган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Пастдарғом политехника коллежи ўқувчиси Диёра Келдиёрова олтин медални қўлга киритди.

Этиборлиси, Диёра Келдиёрова мамлакатимиз хотин-қиз дзюдочилари орасида илк бор ана шундай натижага эришди. Президентимиз раҳнаомлигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кучли, билимли, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли бугун ёшларимиз турли жаҳонларда улкан муваффақиятларга эришмоқда.

Диёра ҳам болалигидан спортга ҳавас қўйди. Мактаб даврида дзюдо тўғрисида мунтазам қатнашди. Тенгдошлари орасида ўтказилган қўллаб катта-кичик турнирларда кетма-кет муваффақият қозона бошлаган, ота-онаси уни Самарқанд олий спорт маҳорати мактабига беришди. Спортга ҳавасманд қизнинг иқтидори, шижоати мураб-



бийларни бефарқ қолдирмади. Мана, олти йилдирки, Диёра мурраббий Хурида Холиқова раҳбарлигида дзюдо билан шуғулланиб, мамлакат ва халқаро миқёсда ўтаётган мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритяпти. У 2013 йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Осмё ўйинларида бронза медали билан тақдирланди.

Агарда киши бирор бир мақсад сари астойдил интилса, албатта, қўтилган натижага эришар

экан, — дейди жаҳон чемпиони Диёра Келдиёрова. — Мен бунинг исботини ўзимда кўп бор синаб кўрдим. Шу йил Сараевода ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг олтишга яқин давлатдан спортчилар катнашди. Биз — ўзбекистонлик спортчилар ушбу чемпионатда фаол иштирок этиб, юртимиз ёшлари нимага қодир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик, яратиб берилган қулай

шарт-шароит ва имкониятлар турли нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб қатнашимизга, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намойён этишимизда муҳим омил бўлмоқда. Сараевода дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қўлга киритган ютуғини Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига совға деб биламан.

Математика фани ихлосманди Жаҳонгир Тўраев эришаётган натижага эса истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим ти-

зимда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўз самарасини бераётганлиги белгисидир.

Табиатан оғир-босиқ, илгма интилувчан Жаҳонгирда мактабнинг илк синфларидаёқ математика фанига иштиёқ балинд эди. Ундаги қизиқишни кўрган ота-онаси фарзандининг пухта билим олиши учун барча шароитларни яратиб берди.

Жаҳонгир ушбу фанга оид турли танловларда фаол қатнашиб келяпти. 5-синфдан бошлаб "Билимлар беллашуви"нинг шаҳар ва вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллаган болакай ўтган ўқув йилида мазкур танловнинг республика босқичида голибликни қўлга киритганди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиз ёшлари турли халқаро фан олимпиадалари, жаҳон миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақаларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, голибликни қўлга киритишмоқда. Қувончлиси, юртимизда Жаҳонгир ва Диёра сингари келажакка ўткир нигоҳ ила қарай оладиган, ўз кучи, билими, ақлу таваққури билан нафақат атрофидagi тенгдошларига, балки дунё ёшларига ибрат ва намуна бўлиб келаётган фарзандларимиз кўпчиликини ташкил қилади.

Нуриддин БОЛИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами олдидан "Бетакорримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.



ЁШЛАРНИ ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРДИ

Ёшлар Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номида давлат санъат музейига саёҳат қилишди. Фестиваль дастуридан ўрин олган "Депутат ва ёшлар" лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши халқ депутатлари ва Нукус шаҳар Кенгаши депутатлари билан ўтказилган давра суҳбатига ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат муסיқали театрида ўтказилган "Биз соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз" акцияси фестивалнинг муҳим лойиҳаларидан бири бўлди. Унда тажрибали мурраббий ва кўнгилчилар ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш, ёт иллатлардан сақланиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.

— Мазкур тадбир Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳзода Бозорбоева. — Саломатлик акциясида атроф-муҳитни асраб-авайлаш, унинг тозаллигини сақлаш, шахсий гигиена, рационал овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишнинг афзаллиги тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдик.

Оролбўйининг барча ҳудудларидан келган, турли соҳаларда астойдил меҳнат қилиб, кўриктановлар ва спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришиб келаётган 1200 нафардан зиёд ёшларни бирлаштирган фестивал санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг гала-концерти билан аяқланди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА

Хурраматли юрtdошлар!
«Асака» банк

яқинлашиб келаётган Мустақиллик куну
байрами муносабати билан қўйидаги
миллий Валютадаги мугдатли янги
омонат турини тақлиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК 2015»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой
бўлиб, ҳисобланган фойзалари ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада
25 ҳамда хорижий валютада 17 турдаги
қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади.
Ушбу омонат турини банкнинг барча
филиалларида очиб мумкин.
Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|-------------------------|-----------------|----------------------------|-----------------|
| Тошкент шаҳар филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 225-44-03 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 572-40-14 |
| Юнусов филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 770-05-19 |
| Сирғали филиали | (371) 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 223-60-74 | Афросиёб филиали | (366) 221-75-40 |
| Асака филиали | (374) 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-07-41 |
| Фарход филиали | (374) 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 224-00-16 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | (362) 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан
кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- сомақлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақлашимиз тўлиқ кафолатланади!
- эгалли ва тасарруф ҳуқуқи ўз икhtiригингизда!
- миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК - САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ
ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

DORI

Эзгу ниятларимиз ижобат
бўлаверсин!

Халқимиз ақл-заковатининг ёрқин намунаси
бўлган ҳўқматлар орасида «Эл соғлиғи —
юрт бойлиғи» деган мақол алоҳида ажралиб
туради. Ватандошларимиз сиҳат-
саломатлигини таъминлашга муносиб ҳисса
қўйишга интилаётган жамоамиз номидан
барчани Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик
байрами билан самимий муборакбод
этамиз. Зеро, пиру бадавлат отахонларимиз,
мунис онахонларимиз дуога қўл очишганида,
энг аввало, эл-юртга тинчлик-хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик тилашди. Шод-хуррамлик
кунларида юрtdошларимизга, шу жумлаан,
соғлиқни сақлаш, дори-дармон таъминоти
ходимларига эзгу тилларимизни
изҳор этамиз.

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ АБДУЛ АБДУ НУР
СОЧИБ, ЎЗИНИНГ БУЮК НЕЪМАТЛАРИ
БИЛАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ
БАҲРАМАНД ЭТАВЕРСИН!

24
ЙИЛ

Тошкент Вилояти «Дору-гармон» АЖ жамоаси

PROMZONA

АГРОТЕХНИКА

- Беларусь 80X ~ Беларусь 82.1
- Беларусь 1025 ~ Беларусь 1221.1
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Прессподборщик
- Ғузаяч урадиган комбайн
- Ҳт урадиган комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган селка
- Пахта чигитини экадиган селка
- Дори сенадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погругучи, бульдозер
- Канавоканатель, ямбур
- Мотоблок
- Аккумулятор, генератор
- Фильтр, мотор мойлари
- Сут соғадиган аппарат
- Мини теплицон
- Минерал ўғит ва кимёвий моддалар

(+99871) 280-00-71, 280-00-72

www.promzona.uz

sales@promzona.uz

Махсулотлар сертификатланган

| | | | | | | |
|---------------------------------------|---|---|---|---|---|---|
| <p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p> | <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p> | <p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ТЕНАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОИОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдываҳоб ТАМИКЛАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p> | <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7021</p> <p>7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7 1</p> | <p>Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99894) 374-77-62; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p> | <p>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОТЛАР: 236-26-50, 233-28-04.</p> | <p>Навбатчи муҳаррир: Ш.Йўлдошев Мусаҳҳиж: Х.АБДУҒАНИЕВ Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ</p> |
|---------------------------------------|---|---|---|---|---|---|

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-819, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.15
15837 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.